

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 18 октябрь сешанба № 44 (771)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Бугун — Самарқанд шаҳри куни



Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг.

Амир Темури



Ислом КАРИМОВ:

“Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитадиган ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”.

Бугун — Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейи очилган кун



1996 йил 14 март
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Темурийлар тарихи Давлат музейи”ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

1997 йил 24 январь
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Темурийлар тарихи Давлат музейи” фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори кучга кирди.

2008 йил 13 сентябрь
Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди.

Қонун доирасида

Жаримага тортилди

бунга масъулиятсизлик сабаб бўлди

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ёмон оқибатларга олиб келади. Инсон қайси соҳада ва қандай лавозимда меҳнат қилмасин, агар масъулиятсизликка йўл қўйса, юзи шувут бўлиши тайин.

Бунинг аянчли оқибатини Қува тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари Д.Қўзиёв, У.Умаров, К.Темиров ҳам татиб кўришди.

ГАП ШУНДАКИ, Фарғона вилояти адлия бошқармасининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Қува тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида тадбиркорлиқни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя қилинишининг аҳоли ўрганиб чиқилганда, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, Қува тумани, Акбаробод ҚФЙ, “Гандабулок” қишлоғида яшовчи фуқаро Ш.Соатиллаеваниннг жорий йил 12 апрелда рўйхатга олинган ер майдонини қайта ўлчаб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда И.Бойтуроев ва бошқаларнинг ер майдонларини қайтариб беришни сўраб ёзган аризалари У.Умаровга чиқарилган бўлса-да, у тўрт ойдан бери ишни пайсалга солиб келган.

Шунингдек, Қува тумани, “Туркравот” ҚФЙ, “Хўжахансан” қишлоғида яшовчи М.Позилова, У.Позилонинг жорий йил 28 февралда ер майдони ажрати беришни сўраб ёзган аризалари Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходими Д.Қўзиёвга чиқарилган, комиссия ҳулласи тайёрланиб, фуқароларга қўл қўйдириш учун бериб юборилган бўлса-да, олти ойга қадар кўриб чиқилмай, ариза муаллифига тегишли тартибда жавоб хати берилмаган.

Ваҳоланки, «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида «Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этишни шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайди» диган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ариза ёки шикоят кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар

талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида ўзига билан бир ойма узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади» дея қатъий белгиланган.

Қўриқдаги Қонун талабларига зид равишда, Қува тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассиси К.Темировга чиқарилган Қува тумани “Бўстон” фермер хўжалигининг 2011 йил 2 мартдаги, “Ваҳобжон Бижонов” фермер хўжалиги раҳбарининг 2011 йил 18 апрелдаги, “Қир-адир тухфаси” фермер хўжалиги раҳбарининг 2011 йил 18 апрелдаги фермер хўжалиги ер майдонини қайта ўлчовдан ўтказиб беришни сўраб ёзган аризаларига беш-олти ойлаб жавоб хати берилмай келинган.

Шу боис Қува тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари У.Умаров, Д.Қўзиёв ҳамда К.Темировларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Қува тумани судига юборилди.

Суд уларни МЖТКнинг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлиқни содир этган, деб топиб, ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари, яъни 114.400 сўм миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Уйлаймизки, бу ҳолат барча туман, шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимларига сабоқ бўлади.

Жаҳонгир УЗОҚОВ,
Фарғона вилояти
адлия бошқармаси
бўлим бошлиғи

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинган кун

Миллатнинг

илдиши, маънавияти

ва келажаги

ТИЛ — миллатнинг қалби. Тилнинг шаклланиши, вужудга келиши минг-минг йиллик тарихга бориб тақалади, усиз миллатни, унинг ўтмишини ёки келажagini тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ҳар бир миллат ва элатлар тарихан ташкил топган бирлик бўлиб, у маълум тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва маданият бирлигига суянади. Демак, бу тўрт белгисиз жамиятни ва миллатни фароз қилиб бўлмайди. Ана шу тўрт белги қаторида миллий тил, яъни она тили тараққиёти биринчи ўринда туради, десак янгилимаймиз. Тилнинг тақдири, унинг яшashi ва ривожланиши фақат шу тилда гаплашувчи жамиятга боғлиқдир. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойини ҳаёти тил ва адабиётдур” деган сўзлари бежиз эмас, албатта.

ДАРҲАҚИҚАТ, тарихий манбалар шундан Далолат берадики, маърифатпарвар аждодларимизнинг ўзбек тилига давлат мақоми беришга бўлган сазй-ҳаракатлари мураккаб ва қийин кечган. Чунки, “Иштирокион” газетаси 1918 йилнинг 14 августидан (19-сонидан) Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг “Маҳаллий тилни давлат тили сифатида ошиғич равишда давлат идораларида қўллаш тўғрисида”ги қарорини эълон қилган, афсуски, мазкур қарор замона зайли билан бажарилмасдан қозғош қилиб кетган эди.

Ўтмишнинг бундай огрикли нукталари ҳақида ўйланганда, бугунги истиқлолимиз кадр-қимматини теранроқ англайди киши. Дарҳақиқат, 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва 1995 йил декабрида мазкур Қонунга ўзгаришлар киритилиши натижасида давлат тилимизнинг ўз мақомига муносиб тараққий этиши учун қонуний асослар мустаҳкамланди.

1995 йил 21 декабрда Биринчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида “Давлат тили ҳақида”ги Қонунни янги тахрирда қабул қилиниши билан она тилимиз камолот йўлига кирди. Унинг амал қилиш доираси кундан-кунга кенгайиб бораётган. Ҳозирги кунда мустақил республикамиз фуқароларининг маълум қисми 120 дан ортиқ миллат ва элатларга мансуб бўлиб, улар давлат тили тўғрисидаги Қонунни бажаришни ўзларининг шарафли бурчи, деб билишади. Масалан, юздан зиёд ўз миллий марказларига уюшган корейс, уйғур, грек, тожик, қозғ, бошқир, қирғиз, рус, озарбойжон, арман, дунган, қорақалпоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари она тилида ва давлат тилида тадбирлар олиб бормоқдалар.

“Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг 3-моддасида мазкур Қонуннинг тилларнинг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ умумларни адо этишда қўлланилиши тартибга солимаслиги, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгаллиги алоҳида қайд этилган.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг миллий онги, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғулари яқинда даражада бўлиши, собит сўзларда сақланиши билан давлат тили ҳар томонлама ўзининг олий даражасига эришди.

Қонуннинг 22-моддасида “Республиканиннг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, қўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади”, дейилган. Бу йўналишда ҳам кўпгина ўзгаришлар, жиддий ишлар қилинди ва ушбу жараён давом этмоқда. Шундай бўлса-да, майдонлар, айниқса, қўчалар, бекатлар билан боғлиқ номларда миллий рух, миллий ўзига хослик, жой номларига тарихийлик нукта назаридан ёндашиш борасида ҳали қилнадиган ишлар мавжуд, албатта. Масалан, шаҳар ичи ва унинг атрофидаги жой-кўча номларида тасодифан қўйилган, тарихан ҳам боғлиқ жиҳати бўлмаган, “бирор номи бўлса бас” қабилида қилинган ишларнинг натижаси сифатидаги номлар (строительная, заводская, энергетик, Камарова, Дубинин каби) учраб турибди.

Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ экан, жамият ривожига ҳар бир ўзгариш, янгилик, пайдо бўлган нарсаси — ҳодиса заруран тилда ўз аксини топади, муайян номга, сўз шаклига эга бўлади. Шу ном, атама — сўз орқали яшайди. Бинобарин, ҳар бир сўз ўзига хос лисоний, тарихий, маданий восита, ҳужжат сифатида ўз тарихига, ўз тақдирига эга бўлади. У ўзида жамият тарихини — халқ тарихини акс эттиради. Шундай экан, ҳар бир сўзга — у қайси тилники бўлмасин, ҳурмат ва эътибор билан қараш лозим. Бунга қўра, ҳар бир сўздан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, уни ўз ўрнида қўллаш жоиз, албатта. Айниқса, бир сўз ўрнига бошқасини қабул қилишда, ишлатишда ва янги сўзларни истеъмолга киритишда катта масъулият билан ёндашиш, эҳтиёт бўлиш лозим. Жой номларида сўзларни имло ҳатоларисиз ёзиш ҳам давлат тилига бўлган ҳурматни билдиради.

Хуллас, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг амалга изчил татбиқ этилиши, боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртларида ўзбек тилини ўқитишни мазмунан янгилаш, таълим жараёнини такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилимоқда. Энг асосийси, ўқувчи ва талабалар учун миллий маданиятимиз ва аъёналаримизни қамраб олган янги дарсликларни янада кўпайтириш, давлат тилида ўқитишни техникавий жиҳатдан таъминлаш ишлари, лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида ўқитишнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги бунинг аққол исботидир.

Дунё тан олган мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузи ортиб бормоқда. Шу боис ўз она тилини яқини эгаллаган, халқнинг кўп асрлик маданият сарҳадларидан баҳраманд бўлган мамлакатимиз ёшлар халқаро тилларни ҳам пукта эгаллаган бўлиши лозим. Ана шу маънода, аввало, ҳар биримиз ўз она тилимизни билганимиз ҳолда яна қанчалик кўп тилларни ўргансак, шунчалик яхшироқ бўлаверадим. Халқимизнинг бўл тарихи, маданияти, боболаримиз яратган илмий мерос, бугунги эришган ютуқларимиз, улғу мақсадларимиз нафақат ўзбек тили, балки хорижий тилларни билишимиз орқали ҳам жаҳонга янада кенг намоён бўлиб боради.

Мирбаходир БАДАЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий
уюшмаси аъзоси, профессор

Тажриба Йўл-транспорт ҳодисалари



ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилишда, улар бўйича судга оид автотехника экспертизаларини тайинлашда ва ўтказишда, иш ҳолатига оидлик киритиб, ҳолисона ва тўла ҳажми тергов ҳаракатларини олиб боришда эксперимент ўтказиш катта аҳамият касб этади. Тергов экспериментининг тушунчаси ва моҳияти, уни ўтказиш тартиби ва натижаларининг расмийлаштирилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-бобида белгиланган. Унга кўра, эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш ёхуд ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек, ҳодисаниннг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади.

СУДГА ОИД автотехника экспертизаларини ўтказиш амалиёти шуни кўрсатадики, ҳайдовчиларнинг ўз бошқарувидаги автотехниканиннг ёки бошқа транспорт воситасининг тезлиги ҳақидаги ёхуд хавфли вазият вужудга келган вақтда ҳодиса жойидан бўлган узоқлик масофаси ва бошқа шу каби ҳолатлар тўғрисидаги кўрсатмалари ҳақиқийларидан анча фарқ қилиши мумкин. Айнан шундай ҳолларда тергов экспериментини ўтказиш йўли орқали тўпланадиган маълумотлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Турли ҳолатлар бўйича аниқланиши лозим бўлган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда эксперимент ўтказиш жараёни турлича бўлиши мумкин.

Мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни келтириб ўтсак:

билан боғлиқ
бўлган жиноят
ишлари
бўйича тунги
шароитда
эксперимент
ўтказиш моҳияти

“Нексия” автомобилнинг ҳайдовчиси тунги шароитда ҳаракатланиб, шаҳардаги ёритилмаган кўчаларнинг бирида қатнов қисмини кесиб ўтаётган пивдани уриб юборган, натижада пивдага оғир тан жароҳати етказилган. Ҳайдовчининг кўрсатмасида йўл ёритилмаганлиги сабабли у автотехниканиннг яқини ёритиш чироқларини ёқиб келётганлиги, йўлни кесиб ўтаётган пивдани 3-4 метр масофада кўриб қолганлиги ва шу заҳоти тўхташ чораларини кўрганлиги, бироқ оралик масофа яқин бўлганлиги сабабли ҳодисаниннг олдини олиб қолиш имконияти бўлмаганлиги баён этилган.

Ҳайдовчининг кўрсатмаларини текшириш учун ҳодиса содир бўлган жойда, тунги шароитда тергов эксперименти ўтказилди. Унда “Нексия” русумли автотехниканиннг яқини ёритиш чироқларида йўлни кесиб ўтаётган пивда ҳайдовчининг кўзига неча метр масофадан кўринишини аниқлаш мақсад қилиб қўйилди. Эксперимент бевосита ҳодиса содир бўлган жойда, ҳайдовчи, ҳолисаси ва мутахассис иштирокида ўтказилди. Ундаги экспериментал ҳаракатлар уч маротаба такрорлаб қўрилганда, биринчи маротаба пивда ҳайдовчига 35 метр, иккинчи ва учинчи маротабада эса 36 метр масофадан кўриниши маълум бўлди. Ушбу маълумотлар бўйича судга оид автотехника экспертизаси тайинланиб, унинг натижаларига кўра, тергов томонидан ҳайдовчининг ҳаракатларига тегишли ҳуқуқий баҳо берилди.

Рустам САМАДОВ,
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд
экспертиза марказининг САТЭ
лаборатория катта илмий ходими

2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”

Имтиёз ва масъулият

тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратмоқда

БАРЧАМИЗГА маълумки, тадбиркорлик — жамият равнақи, юрт фаровонлигининг муҳим омил бўлиши билан бирга иқтисодий тизимини ривожлантириш воситаси ҳамдир. Шу боис мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



ЮРТБОШИМИЗ 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номили маърузасида тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилиш борасида алоҳида тўхталиб ўтди.

2011 йилнинг Президентимиз томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ҳамда шу соҳа бўйича давлат дастурининг жорий этилиши эса маъмур соҳада олиб бораётган ислохотларнинг манфидий давоми бўлди. Маъмур дастур мулкдорлар синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бу борада тадбиркорларга зарур имтиёз ва қароллар яратилиш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу Фармон қабул қилингани қадар, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш ва тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш,

ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадларига ўтказиш, лицензияларни тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилган эди. Фармонга мувофиқ эндиликда бундай таъсир чораларини қўллаш ҳуқуқи судларга берилди ва бу билан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувлар ҳамда ноқонуний таъсир чораларини қўллаш ҳолатларига чек қўйилди.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармонга биноан, давлат ва назорат органларининг қорхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашуви тубдан қисқартирилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қўний манфаатларини ҳимоя қилиш кучайтирилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш мuddатларини қўнун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал мuddатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ мuddатга узайтирилишига йўл қўйилмайдиган.

Раҳимжон ОБИДОВ,
Марказий ҳарбий округ
ҳарбий судининг раиси,
адлия подполковниги

Барча вазирликлар, давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда барча вазирликлар, давлат идоралари, қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг қадрлар билан ишлаш тугилмалари ҳодимлари малакасини ошириш курслари ташкил қилинмоқда.

Маъмур курсларда тингловчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

- меҳнатга ва аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- меҳнат ресурсларини бошқариш тизими;
- кадрлар билан ишлаш тизими;
- меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби;
- меҳнат қўнунчилигининг амалиётида қўлланиши билан боғлиқ муаммолар таҳлили;
- меҳнатга оид низоли ишларнинг судда қўрилиши;
- ҳодимларни бошқариш стратегияси, ташкилотни бошқариш стратегияси;
- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- кадрлар билан ишлашнинг психологик аспектлари.

Ўқитиш мuddати 1 ҳафтадан иборат бўлиб, шартномага мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади. Шартномага суммаси бир қилишга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида белгиланган.

Тингловчилар тарқатма материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намуналари ва қўлланмалар билан таъминланади. Малака ошириш курси якуни бўйича сертификат берилади.

Малака ошириш курсида ўқиш бўйича Юристар малакасини ошириш марказига (тел: 232-19-65, 236-79-64) ёки Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (тел: 239-41-13, 239-45-79) мурожаат қилишни мумкин.

Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 6 октябрдаги 85-ум-сонли буйруғи билан Қийилтепа тумани “MASLANATCHI-NAVON” адвокатлик бюроси адвокати Қандиқаров Ориф Норовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 17 майда берилган № 00065-рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 5 октябрдаги 63-А-ум-сонли буйруғи асосан “QALQON” адвокатлик бюроси адвокати Усманов Исхулла Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 24 июнда ТН 001078-сонли адвокатлик мақомига олиш ҳуқуқи билан берилган лицензиянинг амал қилиши, “KAFOLAT” адвокатлик фирмаси адвокати Мухомедов Аҳад Ахтамовичга Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 23 июнда ТН 000271-сонли адвокатлик мақомига олиш ҳуқуқи билан берилган лицензиянинг амал қилиши, шунингдек, Зияева Нигора Файзуллаевнага 2009 йил 3 июнда Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ТН 000184-рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда Қурбоналиева Раъно Тўлқиновнага 2009 йил 26 майда Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ТН 000135 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 5 октябрдаги №254-ш/Т-А-сонли буйруғи асосан Тошкент шаҳар “KONPRESS-NOTA” адвокатлик фирмаси адвокати Усманов Абдураҳмон Қўшқовичга нисбатан суднинг аёбдор деб топиш ҳақидаги айллов ҳукми қонуний қўнча кирганиги сабабли амалдаги “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига қўра Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 23 февралда берилган СИ №000107-сонли адвокат мақомига олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 23 мартда берилган 1790-сонли адвокатлик вазифасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

КАПИТАЛ ва активлари ҳажми жиҳатидан Ўзбекистонда етакчи банклардан бири саналиши «Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятининг бошиданоқ мамлакат молия хизматлари бозорига етакчи мавқега эга бўлиб, ушбу мавқени у доимий соқлаб келмоқда. Банк мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилган ҳолда, ўз олдида мулкчилик шакли ва фаолият қўламини қатъи назор, барча ҳўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча иқтисодий қатламларига хизмат кўрсатиш вазифасини қўйган. Бундан ташқари, ҳар бир миқознинг индивидуал талабидан келиб чиқиб, асосий эътиборни кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қаратмоқда.



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ мамлакат молиявий қудратини оширишга қаратилган вазифалари ва талабларини ижро этиш бўйича «Асака» банк томонидан «Инқирозга қарши дастур» ижросини таъминлаш, шу асосда узоқ мuddатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорлиқни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорлиқни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали юқори рақобатбардош, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган, миқозларга ҳамда хорижий ҳамкорларга юқори сифатли банк хизматлари кўрсатиш бўйича фаол ишлар олиб боришмоқда. Буни «Асака» банк фаолиятига жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори рейтинг баҳолари ҳам тасдиқламоқда.

Жумладан, 2011 йилнинг 30 сентябрда «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банк рейтингини «**BAKAPOP**» деб тасдиқлади. Шунингдек, 2011 йилнинг июнь ойида «**Fitch Ratings**» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банкнинг халқаро кредит рейтинг истикболини «**BAKAPOP**» деб тасдиқлади.

Юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлиш «Асака» банкнинг яна бир бор ишончли банк эканлигидан далолат беради ва аҳолининг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, унинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш билан бирга мамлакатдаги етакчи ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Банк эришган халқаро эътирофлардан яна бири шунки, у «Банкирь» (Украина) журналі томонидан ташкил этилган «МДХ, Болтикбўйи, Грузиянинг — 2010 йил банк» халқаро танловида иштирок этиб, «МДХ, Болтикбўйи, Грузия банклари ичида энг очик ва шаффоф банк» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.

Энди жорий йилнинг 9 ойлик ҳисобот дaври ҳақида гапирадиган бўлсак, банк амалга оширган ишлар натижасида жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,6 фоизга ўсди ва 2011 йил 1 октябр ҳолатига 3 296,5 миллиард сўмини ташкил этди.



Банкнинг жами капитали 54,3 миллиард сўмга ўсишига эришилди ва 434,0 миллиард сўмга етказилди.

рини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар умумий ҳажми 355,9 миллиард сўмини ташкил этди.



Миқозлар базасини кенгайтириш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Миқозлар сони 30,3 фоизга ўсди ва 1038,1 минг нафарни ташкил қилди.

«Асака» банк фонд бозорига йirik инвесторлардан бири ҳисобланади. 37 қорхонанинг акциядори ва устав фондларида ўз улушига эга. Акциялар портфели республика иқтисодийнинг 10 та тармоғи бўйича диверсификациялаштирилган. Банкнинг қорхоналар акциялари ва устав фондларидаги улуши ҳажми 95,4 миллиард сўмини ташкил этди.



Банк кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми 33,5 фоизга ўсди ва сўм эквивалентиди 1 563,9 миллиард сўмини ташкил этди.

Кредит қўйилмаларининг 1 146,3 миллиард сўм (кредит портфелининг 77,7 фоизи) миқдориди қисми узоқ мuddатли кредитларни ташкил этади, шундан 968,4 миллиард сўм миқдориди қисми инвестиция кредитларидир.

2011 йилнинг 9 ойи давомида банк асосий эътиборни иқтисодийнинг реал сектори қорхоналарини қўллаб-қувватлашга, экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қорхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Ти-

«Асака» банк:

Улкан зафарлар йўлида

жорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ мuddатли кредитларни улушини қўлайтириш рағбатлантириш бора-сидида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ банк томонидан 115 та инвестициявий лойиҳани молиялаштириш учун 260,4 миллиард сўм эквивалент миқдориди кредитлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 29 декабрдаги ПК-1455-сонли Қарорига мувофиқ инвестиция лойиҳала-

Лизинг портфели иқтисодийнинг турли тармоқлари бўйича диверсификациялаштирилган (санат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, иқтисодий соҳа ва бошқа тармоқлар). Шу билан бирга, банк томонидан Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом Корпорациясининг (ХСРИК) кредит линиясини ўзлаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришмоқда. Ҳозирда ХСРИК томонидан 7,1 миллион АҚШ доллари миқдориди лойиҳалар молиялаштиришга маъқулланди. Жорий йил охиригача яна 6 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги лойиҳаларни молиялаштириш режалаштирилган.

Ҳозирги вақтда «Асака» банк фаолиятининг устувор стратегик йўналишларидан бири бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яраттириш.

Юртбошимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши соҳани ривожлантириш йўлида катта имконият эшикларини очди. Ҳозирги кунда банк томонидан асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлиқни янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, маъжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологияни янгилашга йўналтирилган узоқ мuddатли кредитлар ҳажмини қўлайтиришга қаратилмоқда. Шу билан бирга, 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб кичик бизнес субъектларидан миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини қўриб чиқиш мuddати уч банк кунга этиб белгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк кассаларида энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдорига булган нақд пул тушушмини мустақил топишлик ҳуқуқи берилди.

Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти қўламини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни қўлайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароит яратиш борасида муҳим омили бўлимоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича «Асака» банк томонидан жорий йилда 420,0 миллиард сўм миқдориди кредитлар ажратилиши режалаштирилган. 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида банк томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 346,1 миллиард сўм ва 5,8 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Бунинг натижасида 8900 та янги иш ўрни яратилди.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Асака» банк томонидан «Энг яхши қишлоқ лойиҳаси» танлови ўтказилди. Танлов шартлари оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилади. Танловда қатнашши учун Қоракалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик



субъектларидан қўллаб аризалар тушди. Танловни ўтказиш бўйича тузилган илчи гуруҳи аъзолари томонидан барча аризалар диққат билан ўрганиб чиқилди. Бунда асосий эътибор тақдим этилган лойиҳалар бўйича янгидан яратилаётган иш ўринлари сонига, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари эҳтимоли жойлашган туманлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳаларига қаратилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини қўлайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 831 нафар жисмоний шахсга чорва моллари олиш учун 2,9 миллиард сўм миқдориди кредитлар ажратилди. Шунингдек, йирик шохли қорамолларни қўлайтириш ва чорвачилиқни ривожлантиришга қаратилган 38 та лойиҳани молия-

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб боришмоқда. Банк томонидан 2011 йил 1 октябр ҳолатига 760 минг донга пластик карточалар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 168 минг донга қўлайди. 7423 та терминнал, 35 та банкомат ва 35 та инфокиос ўрнатилди. 620 та қорхона ва ташкилотда «иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилиб, «иш ҳақи» лойиҳалари сони 6580 тага етказилди.

Пластик карточалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. 2011 йил 1 октябр ҳолатига савдо айланмалари миқдори 1659,1 миллиард сўмини ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 657,2 миллиард сўмга ўсди.

«Асака» банкда ўрнатилган барча

Реклама ўрнида

Улкан зафарлар йўлида

лаштириш учун 2,8 миллиард сўм миқдориди кредитлар йўналтирилди.

Агар соҳани ривожлантириш ҳамда иқтисодий ва молиявий барқарор қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини ташкил қилиш мақсадида банк томонидан деҳқон ва фермер ҳўжаликлари зарур техника билан таъминлашга қўмақлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилади. Бу мақсадда банк 131 донга қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун 14,4 миллиард сўм миқдориди кредитлар ажратди.

Республикаимизда паррандачиликни ривожлантириш ҳам «Асака» банк эътиборидида масалалардан биридир. Айнан ушбу тармоққа оид 33 та лойиҳани молиялаштириш учун банк 45,6 миллиард сўм миқдориди кредитни йўналтирди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштириш рағбатлантириш орқали республикаимиз аҳолисини барқарор тарзда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам банк ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда республикаимиз ички бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг янада яхшилаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи қорхоналарга 76,4 миллиард сўм миқдориди кредитлар ажратилди.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида 1653 нафар фуқарога 3,8 миллиард сўм миқдориди истеъмол кредитлари, 405 нафар оилага 17,8 миллиард сўм миқдориди ипотека кредитлари берилди.

Еш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан фаол ишлар олиб боришмоқда, уларга имтиёзли шартларда хизматлар кўрсатишмоқда. 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида 328 нафар ёш оилага 15,8 миллиард сўм миқдориди ипотека кредитлари, 534 нафар ёш оилага 2,2 миллиард сўм миқдориди истеъмол кредитлари берилди.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича «Асака» банк томонидан фаол ишлар олиб боришмоқда.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодийнинг жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг фойдаланиш манбаи сифатида аҳолининг муҳим пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банклариди аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда қаролларни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида «Асака» банк томонидан 82 турдаги миллий ва хорижий валюталарда омонатлар жорий қилинган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган мuddатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари билан нақд пулда таъминлаб беришмоқда. 2011 йилнинг 9 ойи давомида 12 та янги омонат тури жорий этилди.

Банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ва аҳолининг буш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борган фаол ишлар натижасида аҳоли омонатлари қолдиги 2011 йил 1 октябр ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46,5 фоизга ўсди. Омонатчилар сони 233 минг нафарга ёки 31,3 фоизга ўсди ва 1008,0 минг нафарни ташкил қилди.

инфокиос ва банкоматлар «UZ PAYNET» тўлов тизимига уланган бўлиб, миқозлар пластик карточка орқали барча коммунал хизматлар бўйича ва уяли алоқа ўнги тўловларни амалга ошириш, пластик карточка эгаларига, қайси банк эмитенти бўлишидан қатъи назар, ўз ҳисоб рақамиди пул маблағлари ҳолати бўйича маълум

